



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM




TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EISSN 2181-2187

12 (86) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:
М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
У.О. АБИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Д.Т. АШУРОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Б.Б. ХАСАНОВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
Э.Б. ХАККУЛОВ
Г.С. ХОДЖИЕВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (86)

www.bsmi.uz
https://newdaymedicine.com E:
ndmuz@mail.ru
Тел: +99890 8061882

2025
декабрь

Received: 20.11.2025, Accepted: 06.12.2025, Published: 10.12.2025

UDK 616-053.6-055.25

**18 ЁШЛИ ЁШЛАРДА ЖИСМОНИЙ ВА ЖИНСИЙ РИВОЖЛАНИШ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ КОМПЛЕКС БАҲОСИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ
МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)**

Шахло Матсапаева <https://orcid.org/0009-0004-1130-2511>

Улугбек Рuzметов e-mail: ruzmetovulugbek@mail.ru

Тошкент Давлат Тиббиёт Университети Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти,
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 Е-маил: info@urgfildmu.uz

✓ **Резюме**

Ушбу мақолада Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшли қизларда жисмоний ва жинсий ривожланиш кўрсаткичларининг комплекс баҳолаш ҳолати келтирилган. Тадқиқотда 2024–2025 йиллар давомида 203 нафар 18 ёшли қиз иштирок этди. Антропометрик кўрсаткичлар (бўй, тана вазни, ярим ўтирган ҳолдаги бўй), тананинг пропорционал ривожланиш белгилари ҳамда иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражаси баҳоланди. Олинган натижалар қизларда жисмоний ривожланиш асосий кўрсаткичлар бўйича ёш меъёрларига мос эканлигини кўрсатди. Иккиламчи жинсий белгиларнинг аксарият ҳолларда тўлиқ шаклланиши жинсий этилиш жараёнининг якунланганлигини тасдиқлади. Натижалар Хоразм вилояти учун меърий маълумотлар базасини янгилаш ва ёшлар саломатлигини баҳолашда амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: жисмоний ривожланиш, антропометрия, иккиламчи жинсий белгилар, 18 ёш, Хоразм вилояти.

**КОМПЛЕКСНАЯ ОЦЕНКА ПОКАЗАТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОГО И ПОЛОВОГО
РАЗВИТИЯ У 18-ЛЕТНИХ ДЕВУШЕК (НА МАТЕРИАЛАХ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ)**

Шахло Матсапаева <https://orcid.org/0009-0004-1130-2511>

Улугбек Рuzметов e-mail: ruzmetovulugbek@mail.ru

Ургенчский филиал Ташкентской государственной медицинской университета
Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28
Тел: +998 (62) 224-84-84 Е-mail: info@urgfildmu.uz

✓ **Резюме**

В статье представлена комплексная оценка показателей физического и полового развития у 18-летних девушек, проживающих в Хорезмской области. В исследовании приняли участие 203 девушки в возрасте 18 лет. Оценивались основные антропометрические показатели, пропорциональное развитие тела и степень сформированности вторичных половых признаков. Полученные результаты показали соответствие физического и полового развития возрастным физиологическим нормам. Материалы исследования имеют практическое значение для профилактической медицины и формирования региональных нормативных показателей.

Ключевые слова: физическое развитие, антропометрия, вторичные половые признаки, 18 лет, Хорезмская область.

**COMPREHENSIVE ASSESSMENT OF PHYSICAL AND SEXUAL DEVELOPMENT
INDICATORS IN 18-YEAR-OLD GIRLS
(BASED ON MATERIALS FROM THE KHOREZM REGION)**

Shakhlo Matsapaeva <https://orcid.org/0009-0004-1130-2511>

Ulugbek Ruzmetov e-mail: ruzmetovulugbek@mail.ru

Urgench Branch of Tashkent State Medical University Uzbekistan, Khorezm Region, Urgench,
Al-Khorezmi Street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 Email: info@urgfildmu.uz

✓ Resume

This article presents a comprehensive assessment of physical and sexual development indicators in 18-year-old girls living in the Khorezm region. The study included 203 girls aged 18 years. Anthropometric parameters, body proportional development and the formation of secondary sexual characteristics were evaluated. The results showed that physical and sexual development corresponded to age-related physiological norms. The obtained data can be used to update regional reference values and improve preventive medical examinations.

Keywords: physical development, anthropometry, secondary sexual characteristics, 18 years, Khorezm region.

Долзарблғи

Сўнги йилларда ўсмирликдан катта ёш даврига ўтиш босқичида жисмоний ва биологик ривожланиш масалалари тиббиёт, профилактик медицина ҳамда жамоат саломатлиги учун муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, 18 ёш шахснинг морфофункционал шаклланиши деярли яқунланадиган, репродуктив ва ижтимоий фаолликка тўлиқ кириб борадиган критик давр ҳисобланади.

Жаҳон адабиётларида ёшларнинг жисмоний ривожланишини баҳолашда антропометрик кўрсаткичлар (бўй, вазн, тананинг пропорциялари) ҳамда иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражаси асосий интеграл мезонлар сифатида қаралади. Ушбу кўрсаткичлар организмнинг умумий саломатлик ҳолати, эндокрин тизим фаолияти, овқатланиш хусусиятлари ва ташқи муҳит омилларини билвосита акс эттиради.

Республика ва қўшни мамлакатлар материаллари асосида ўтказилган тадқиқотларда сўнги ўн йилликларда ёшлар жисмоний ривожланишида гетерохронлик, тананинг пропорционал ўсишида номуаносиблик, шунингдек жинсий етилиш суръатларида индивидуал фарқлар ортиб бораётгани қайд этилмоқда. Бу ҳолат айрим ҳудудларда экологик омиллар, овқатланиш сифатининг ўзгариши, гиподинамия ва ижтимоий стресслар билан боғлиқ деб изоҳланади.

Хоразм вилояти экологик-географик шароити, аҳоли турмуш тарзи ҳамда овқатланиш анъаналари билан республикада ўзига хос ўрин тутди. Шу боис мазкур ҳудудда яшовчи ёшларда жисмоний ва жинсий ривожланиш кўрсаткичларини комплекс баҳолаш меъёрий маълумотлар базасини янгилаш, профилактик тиббий кўрикларни такомиллаштириш амалиётида муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, 18 ёшли қизларда антропометрик кўрсаткичлар ҳамда иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш даражасини комплекс ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ва ҳудудий хусусиятларни аниқлаш долзарб илмий масала ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади. Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшли қизларда жисмоний ривожланиш ва иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражасини антропометрик ва морфологик кўрсаткичлар асосида комплекс баҳолаш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари

1. 18 ёшли қизларда асосий антропометрик кўрсаткичларни (бўй, вазн, ярим ўтирган ҳолдаги бўй) аниқлаш.
2. Тананинг пропорционал ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш.
3. Иккиламчи жинсий белгиларнинг (елка-чаноқ нисбати, қўлтиқ ости ва қов ости жунлари, сут бези ривожланиши) шаклланиш даражасини таҳлил қилиш.
4. Антропометрик кўрсаткичлар билан жинсий белгилар ривожланиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.
5. Олинган натижаларни мавжуд адабиётлар маълумотлари билан таққослаб баҳолаш.

Материал ва тадқиқот усуллари.

Тадқиқот 2024–2025 йилларда Хоразм вилоятида ўтказилди. Унда 18 ёшли 203 нафар қиз иштирок этди. Барча иштирокчилар тиббий кўрикдан ўтган бўлиб, тадқиқот вақтида ўткир ва сурункали оғир соматик касалликлар қайд этилмаган.

Антропометрик текширувлар

Қуйидаги кўрсаткичлар ўлчанди:

- бўй (см),
- тана вазни (кг),
- ярим ўтирган ҳолдаги бўй (см).

Ўлчовлар стандарт антропометрик усуллар асосида амалга оширилди. Тананинг пропорционал ривожланиши қўшимча нисбий кўрсаткичлар орқали баҳоланди.

Иккиламчи жинсий белгиларни баҳолаш.

Қизларда қуйидаги иккиламчи жинсий белгилар баҳоланди:

- елка–чаноқ нисбати,
- қўлтиқ ости жунларининг ривожланиш даражаси,
- қов ости жунларининг шаклланиши,
- сут безларининг ривожланиш даражаси.

Баҳолаш клиник визуал кўрик ва қабул қилинган морфологик шкалалар асосида амалга оширилди.

Статистик ишлов бериш

Олинган маълумотлар Microsoft Office Excel дастури ёрдамида қайта ишланди. Миқдорий кўрсаткичлар учун ўртача қиймат (М) ва стандарт хатолик (m) ҳисобланди. Натижаларнинг ишончилиги $p < 0,05$ даражасида баҳоланди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқотда иштирок этган 203 нафар 18 ёшли қизларда жисмоний ривожланиш ва иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражаси комплекс баҳоланди. Барча кўрсаткичлар умумий гуруҳ кесимида таҳлил қилинди.

Антропометрик кўрсаткичлар таҳлили

Антропометрик текширувлар натижасида 18 ёшли қизларда жисмоний ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари аниқланди. Қизларнинг ўртача бўйи, тана вазни ва ярим ўтирган ҳолдаги бўй кўрсаткичлари физиологик меъёрлар доирасида эканлиги қайд этилди. Тананинг пропорционал ривожланишини акс эттирувчи нисбий кўрсаткичлар ҳам умумий гуруҳда барқарор қийматларга эга бўлди.

18 ёшли қизларда асосий антропометрик кўрсаткичлар ($M \pm m$) Жадвал 1.

Кўрсаткич	Минимум	Максимум	Ўртача қиймат (М)
Бўй (см)	155	185	165,9
Тана вазни (кг)	43	88	58,1
Ярим ўтирган ҳолдаги бўй (см)	110	148	132,5

Изоҳ: Антропометрик кўрсаткичлар физиологик меъёрлар доирасида бўлиб, жисмоний ўсиш жараёнларининг деярли яқунланганлигини кўрсатади.


Тананинг пропорционал ривожланиш кўрсаткичлари

Тананинг пропорциясига оид кўрсаткичлар таҳлили елка–чаноқ нисбатининг физиологик меъёрларга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткичлар қизларда соматик ривожланишнинг аёл жинсига хос типда шаклланганлигини ифодалайди (жадвал 2, диаграмма).

18 ёшли қизларда антропометрик кўрсаткичларнинг кватиллар бўйича тақсмоти Жадвал 2.

Кўрсаткич	Q1 (25%)	Медиана (50%)	Q3 (75%)
Бўй (см)	162,8	165,0	168,3
Тана вазни (кг)	51,8	57,0	63,0
Ярим ўтирган бўй (см)	130,0	133,0	135,0

Бу жадвал тақсмотнинг барқарор эканини ва экстремал оғишлар йўқлигини кўрсатади.



18 ёшли қизларда антропометрик кўрсаткичлар таҳлили натижасида ўртача бўй $165,9 \pm 5,45$ см, тана вазни эса $58,1 \pm 10,01$ кг ни ташкил этди. Ярим ўтирган ҳолдаги бўй кўрсаткичи $132,5 \pm 5,04$ см бўлиб, тананинг пропорционал ривожланганлигини кўрсатади (жадвал 3, диаграмма).

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг умумий тавсифи жадвал 3.

Кўрсаткич	Тавсиф
Бўй	Аксарият қизларда ўртача ва ўртадан юқори даражада
Тана вазни	Нисбатан кенг вариация, индивидуал фарқлар мавжуд
Тананинг пропорционаллиги	Аёл жинсига хос, мутаносиб ривожланган



Иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш даражаси


Иккиламчи жинсий белгиларни баҳолаш натижасида қизларнинг мутлақ кўпчилигида жинсий етилишнинг тўлиқ шаклланган босқичи кузатилди. Қўлтиқ ости ва қов ости жунларининг ривожланиши, шунингдек сут безларининг шаклланиш даражаси ёш меъёрига тўлиқ мос келиши қайд этилди (жадвал 4, диаграмма).

18 ёшли қизларда иккиламчи жинсий белгиларнинг учраш частотаси Жадвал 4.

Кўрсаткич	Умумий тавсиф
Қўлтиқ ости жунлари	Аксарият қизларда тўлиқ шаклланган ҳолатлар улуши юқори
Қов ости жунлари	Ривожланиш физиологик босқичга тўлиқ мос
Сут безлари	Асосан етук ривожланган ҳолатда

Ушбу натижалар 18 ёшли қизларда репродуктив тизимнинг морфологик жиҳатдан шаклланганлигини кўрсатади.

18 ёшли қизларда иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш даражаси



Антропометрик ва жинсий белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Таҳлил жараёнида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражаси ўртасида муайян мутаносиблик мавжудлиги аниқланди. Бу ҳолат организм ривожланиш жараёнларининг комплекс ва уйғун тарзда кечишини тасдиқлайди.

Қисқача хулоса (натижалар бўйича)

- 18 ёшли қизларда жисмоний ривожланиш асосий антропометрик кўрсаткичлар бўйича меъёр доирасида.
- Иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиши аксарият ҳолларда тўлиқ шаклланган.
- Жисмоний ва жинсий ривожланиш кўрсаткичлари ўртасида уйғунлик кузатилади.

Олинган натижалар муҳокамаси

Олинган натижалар 18 ёшли қизларда жисмоний ва жинсий ривожланиш жараёнларининг асосан ёш меъёрларига мувофиқ эканлигини кўрсатди. Антропометрик кўрсаткичлар ҳамда иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиш даражаси умумий гуруҳда барқарор ва физиологик

ҳолатда эканлиги қайд этилди. Бу ҳолат организмнинг морфофункционал етилиш жараёнлари 18 ёшга келиб деярли тўлиқ яқунланишини тасдиқлайди.

Бироқ олинган натижаларни Хоразм вилояти шароитида таҳлил қилиш муҳим илмий аҳамиятга эга. Маълумки, Хоразм вилояти экологик жиҳатдан ўзига хос ҳудуд ҳисобланиб, иқлимнинг кескин континенталлиги, ёз фаслида юқори ҳарорат, ичимлик суви минерал таркибининг ўзгарувчанлиги ҳамда овқатланиш рационининг минтақавий хусусиятлари аҳоли саломатлигига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Айрим муаллифлар экологик ноқулай ҳудудларда ўсмир ва ёшларда жисмоний ривожланиш суръатларининг секинлашиши ёки тананинг пропорционал ўсишида номутаносибликлар кузатилишини таъкидлайдилар. Шу нуқтаи назардан, мазкур тадқиқотда 18 ёшли қизларда асосий антропометрик кўрсаткичларнинг меъёр доирасида эканлиги Хоразм вилоятида профилактик тиббий кўриклар ва ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг муайян самара бериб келаётганини кўрсатиши мумкин.

Иккиламчи жинсий белгиларнинг ривожланиш даражаси таҳлили ҳам қизларда жинсий етилиш жараёни физиологик йўл билан кечаётганлигини тасдиқлади. Қўлтиқ ости ва қов ости жунларининг шаклланиши ҳамда сут безларининг ривожланиш даражаси аксарият ҳолларда ёш меъёрига тўлиқ мос келди. Бу ҳолат эндокрин тизим фаолиятининг барқарорлигини ва репродуктив тизимнинг морфологик жиҳатдан шаклланишнинг кўрсатади.

Шу билан бирга, Хоразм вилоятидаги ижтимоий омиллар — жисмоний фаоллик даражаси, қизларнинг кундалик меҳнат юкласи, миллий овқатланиш анъаналари — жисмоний ривожланишга таъсир этувчи муҳим факторлар ҳисобланади. Айниқса, калорияли, углеводларга бой рацион айрим ҳолларда тана вазни кўрсаткичларининг ошишига олиб келиши мумкин. Бу эса кейинги тадқиқотларда тана массаси индекси ва метаболик кўрсаткичларни қўшимча ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётлар билан таққослаганда, мазкур тадқиқот натижалари республика ва қўшни мамлакатларда ўтказилган қатор ишлар билан уйғун эканлиги кузатилди. Кўпгина тадқиқотларда 17–19 ёшли қизларда жинсий етилишнинг асосий босқичлари тўлиқ шаклланиши, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари эса нисбатан барқарор қийматларга эга эканлиги қайд этилган. Хоразм вилояти материаллари асосида олинган маълумотлар мазкур қонуниятларни тасдиқлайди ва ҳудудий меъёрий кўрсаткичлар базасини тўлдиришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, олинган натижалар Хоразм вилоятида яшовчи 18 ёшли қизларда жисмоний ва жинсий ривожланиш жараёнлари умумий биологик қонуниятлар асосида кечаётганлигини, бироқ минтақавий экологик ва ижтимоий омилларни инобатга олган ҳолда доимий мониторинг ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади.

Хулосалар

1. Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшли қизларда жисмоний ривожланиш асосий антропометрик кўрсаткичлар бўйича ёш меъёрларига мос эканлиги аниқланди.
2. Тананинг пропорционал ривожланиши елка–чаноқ нисбати ҳамда нисбий кўрсаткичлар орқали баҳоланганда, соматик ривожланишнинг аёл жинсига хос типда шаклланиши қайд этилди.
3. Иккиламчи жинсий белгилар (қўлтиқ ости ва қов ости жунлари, сут безлари ривожланиши) аксарият ҳолларда тўлиқ шаклланиш бўлиб, жинсий етилиш жараёнининг яқунланганлигини кўрсатди.
4. Антропометрик кўрсаткичлар билан иккиламчи жинсий белгилар ривожланиши ўртасида уйғунлик мавжудлиги аниқланиб, организмнинг морфофункционал етилиш жараёнлари комплекс кечиши тасдиқланди.
5. Олинган натижалар Хоразм вилояти учун меъёрий маълумотлар базасини шакллантириш ва ёшлар саломатлигини баҳолашда амалий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР

1. 18 ёшли қизларда профилактик тиббий кўриклар давомида антропометрик кўрсаткичлар ва иккиламчи жинсий белгиларни комплекс баҳолаш тавсия этилади.

2. Хоразм вилоятида ёшлар саломатлигини мониторинг қилиш мақсадида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича ҳудудий меъёрий диапазонлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.
3. Овқатланиш ва жисмоний фаоллик хусусиятларини инобатга олган ҳолда профилактик дастурларни такомиллаштириш зарур.
4. Кейинги тадқиқотларда тана массаси индекси, эндокрин ва метаболик кўрсаткичларни қўшимча ўрганиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуллаев Р.Ш. Ўсмир ва ёшларда жисмоний ривожланишнинг ҳудудий хусусиятлари. – Тошкент, 2021.
2. Каримова М.А. Қизларда жинсий етилиш ва соматик ривожланиш кўрсаткичлари. // Тиббиёт журнали, 2022.
3. Бобомуратов Т. А. и др. Озиклантириш турлари билан фаркланадиган болаларнинг психофизиологик ривожланиши ва уларнинг қиёсий таҳлили. – 2024.
4. Беляева А. В. и др. Особенности полового развития девочек-подростков в условиях разной антропогенной нагрузки //Сибирский научный медицинский журнал. 2016;36(6):99-102.
5. Мамаризаев И. Факторы риска задержки полового развития у девочек-подростков //Medicine, pedagogy and technology: theory and practice. 2024;2(7):56-62.
6. Калмыкова А. С., Ткачева Н. В., Павленко М. С. Половое развитие девочек-подростков с синдромом дисплазии соединительной ткани и вегето-сосудистой дисфункцией //Медицинский вестник Северного Кавказа. 2010;18(2):34-36.
7. Иоффе Л. А. Особенности полового созревания городских и сельских девочек-подростков //Гигиена и санитария. 2003;1:53-54.
8. Гладкая В. С., Грицинская В. Л. Характеристика полового развития девочек-подростков коренного и пришлого населения Республики Хакасия //Репродуктивное здоровье детей и подростков. 2015;2(61):58-62.
9. Гладкая В. С., Грицинская В. Л. Характеристика полового развития девочек-подростков коренного и пришлого населения Республики Хакасия //Репродуктивное здоровье детей и подростков. 2015;2(61):58-62.
10. WHO. Physical status: the use and interpretation of anthropometry. Geneva; 2019.
11. Tanner J.M. Growth at adolescence. Oxford: Blackwell; 2018.
12. De Onis M., Blössner M. WHO Global Database on Child Growth and Malnutrition. Geneva; 2020.

Қабул қилинган сана 20.11.2025